

جدید

2026-yil 24-iyul
№ 30 (134)

www.jadid.uz



Tilda, fikrda, ishda birlik!

Jadid

adabiy, ilmiy-ma'rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta



@Jadidrasmiy



@Jadidmediauz



@Jadidrasmiy



@Jadid_uz

ТАРАҚҚИЁТ
ВА МЕДИА

Китобда Ўзбекистоннинг ҳозирги даврида жамиятга янги гоё, ташаббус ва натижалар зарурлиги, Давлатимиз раҳбари бу улкан уйғонишнинг бошида тургани, халқни – ҳаммани шунга ундаётгани, шунинг учун Президентнинг конституциявий мақоми бутун ўз моҳияти билан давлат ва миллат рамзига айлангани, давлатнинг бутун маҳобати, ўтмишию истиқболи яхлитлигича, бутун салобати билан йўлбошчи қиёфасида намоян бўлаётгани самимий тарзда ифодаланган.

(4-саҳифада ўқинг!)

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎН ЙИЛЛИК ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ:

ИСЛОҲОТЛАР, БУНЁДКОРЛИК ВА ЯНГИЧА ТАФАККУР

Жадид намоёндалари “ислоҳот” сўзининг ўзгача “ислоҳ” деб белгилаб, “яхшилиққа ўзгариш” деб талқин этганлар ва ана шундай юксалишга имкон берадиган замонни орзу қилганлар. Бугун юртимизда кечаётган оламшумул янгиланиш ва юксалишни нафақат миллатимиз ойдинлари, балки хорижий мутахассислар ҳам чинакам буюк тарихий ислоҳот деб баҳолашяпти.

Шавкат Мирзиёев 2016 йилда Давлат раҳбари этиб сайланганидан буён Ўзбекистон ҳаётининг деярли барча соҳаларида кенг қўлланма ўзгаришлар амалга оширилди. Мазкур жараёни биргина иқтисодий ёки сиёсий ислоҳотлар билан белгилаб бўлмайди. Ўзбекистоннинг ташқи дунёга очилиши, давлат ва жамият муносабатларининг янгиланиши, инсон ҳуқуқлари, ижтимоий адолат, миллий кадриятлар ва замонавий тараққиётга бўлган ёндашувлар ўзгарди.

Халқнинг оғирини енгил қилиш, унинг муаммоларини вақтида ва самарали ечиш, одамларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш барча ислоҳотларнинг бош мақсади этиб белгиланди. Албатта, эски тизимни батамом ўзгартириб, олдинга қўйилган мақсадга тўлиқ эришдик, деб айтишга ҳали эрта. Аммо Ўзбекистондаги ўзгаришлар вақтинчалик ҳодиса эмас.

Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида узокни кўлаб юритилаётган прагматик халқчил сиёсат тадрижий олиб борилади ва ҳеч қачон ортга қайтмайди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2016 йил 8 сентябрдан Президентлик вазифасини бажаришни Бош вазирнинг виртуал қабулхонасини ташкил қилишдан бошлади. Қабулхоналар халқ ва давлат ўртасидаги “етти паҳса” деворлар, қатлама “фильтрлар”ни олиб ташлашга йўл очди. Оқибатда, халқнинг дарди тўғридан тўғри ҳукуматга этиб борадиган тизим яратилди.



Бу Давлат раҳбарига жамият ривожини учун аниқ чоралар ишлаб чиқиш имконини берди, халқ ва давлат ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланди, “кўп ёпиқли қозон”лар очилиб кетди, халқда давлат бошқарувига ўз таъсирини ўтказиш имконияти пайдо бўлди, ҳақиқий демократия тамойиллари амалда ишлай бошлади.

Ҳозир, ислоҳот ибтидосидан салкам ўн йил ўтгандан кейин кўпчилик ўша даврларни эсидан чиқариб қўйгандай кўринади: худди ҳар доим шундай эркин, бемалол ҳаёт бўлгандай, ёшлар назарида эса, жамиятимиздаги очиклик, эркинлик муҳити табиий ҳолдек гўё...

СЎЗ ЭРКИНЛИГИ ВА ОЧИҚ ЖАМИЯТ САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда энг кўзга кўринган ўзгаришлардан бири – ахборот муҳити ва жамоатчилик мулоқотининг сезиларли даражада очилганидир. Илгари кўлаб муаммолар расмий ахборот воситаларида деярли тилга олинмас, маҳаллий ҳокимиятлар фаолияти, коммунал муаммолар, коррупция, таълим ва тиббиётдаги камчиликлар ҳақида очик ёзиш қийин эди. Бугун эса журналистлар, блогерлар ва фаол фуқаролар жамиятдаги долзарб масалаларни кенг муҳокама қилмоқда.

ОАВ ва ижтимоий тармоқлар аҳоли билан давлат органлари ўртасидаги муҳим мулоқот майдонига айланди. Бу жараён давлат бошқаруви ҳам таъсир кўрсатди. Раҳбарлар жамоатчилик фикрини инобатга олиш, матбуот билан мулоқот қилиш, аҳоли муносабатларига жавоб бериш зарурлигини англай бошлади.

Янги Ўзбекистоннинг очик ва эркин эканлигига тан бермасликнинг ҳеч иложи йўқ. Ўзбекистонда ОАВни эркинлаштириш жараёнларини кузатиш давомида ушбу жараёнлар жадаллашганлиги ва ижобий характерга эга бўлаётганлигини кўриш мумкин. Энг аввало, сўз эркин-

лигини таъминлаш бўйича қонунчилик базаси такомиллаштирилди, кўлаб қонун ҳужжатлари ва фармонлари қабул қилинди. Бугун журналистлар қаторида блогерлар ахборот маконида қаттиқ рақобат олиб боришмоқда. Бу албатта, Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси билан бошланган ислоҳотларнинг меваси.

Соҳадаги асосий натижа – фақат сўз эркинлиги тўлиқ қарор топди, деган хулоса эмас, балки мамлакатда очик мулоқот ва жамоатчилик назорати учун янги муҳит шаклланаётганидир.

МАЖБУРИЙ МЕҲНАТ БАРҲАМ ТОПДИ

Ўзбекистоннинг энг муҳим ижтимоий ислоҳотларидан бири пахта йигим-теримида мажбурий меҳнатни тугатиш бўлди. Кўп йиллар давомида пахта теримига ўқитувчилар, шифокорлар, талабалар, бюджет ташкилотлари ходимлари ва бошқа аҳоли қатламлари мажбуран жалб этилар эди. Аҳвол шу даражага етиб бордики, пахтазорни иккинчи уйимиз деб атадик, лекин косамиз оқармади. Мактаб болалари ҳам пайкалга ҳайдалди. Яқин-яқингача ҳар йили тахминан 6-7 миллион одам пахта теримига мажбуран сафарбар этиларди.

Муаллимнинг обрўси, шаъни, қадри ҳаминқадарлиги тўғриси, аксарият ўқитувчилар ишини ташлаб, бошқа соҳаларга ўтиб кетди. Тизимда эркак ўқитувчилар деярли қолмади. Таълим сифати ва самарадорлиги, ўқитувчиларнинг сифат таркиби ҳам шунга мутаносиб эди. Давлатимиз раҳбарининг талаби ва топшириғи асосида ўқитувчи ва ўқувчи, умуман, ижтимоият вакиллари барча мажбурий йомшлардан озод этилди.

Таълимдаги бошбошдоқликка барҳам берилди: мактаб 11 йилликка ўтди, лицей ва коллежлар қайта ихтисослаштирилди.

(Давоми 2-саҳифада.)

ФАКТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тошкент – Самарқанд йўналишидаги пуллик муқабил автомобиль йўли қурилишига тамал тоши қўйди.

Ўзбекистон илк бор 9–16 август кунлари 38-Халқаро информатика олимпиадасига мезбонлик қилади.

Хоразм Маъмун академияси бош илмий ходими, профессор Умида Балтаева Халқаро Математика Иттифоқининг Ривожланаётган давлатлар қўмитаси аъзоллигига сайланди.

Ўзбекистон тарихи давлат музейи қайта очилиши муносабати билан 24–26 июль кунлари юртимиз фуқаролари учун бепул ташрифлар ташкил этилади.

ИСЛОҲОТ ВА ҲАЁТ

“МУҚАДДАС МАСКАНИМ – ЖАННАТМОНАНД СЎҲ!”

Ўзбекистоннинг хушманзара, баҳаво, тоғ ёнбағрида жойлашган Сўхнинг одамлари саховатпеша, меҳнаткаш ва бағрикенг.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

(Давоми 3-саҳифада.)



БАТАН МАНЗУМАСИ

Шукрона

Зарифа ЭРАЛИЕВА

Ҳар тонг пойимизга нур тўшар қуёш,
Дилларни уйғотар Ҳурлик баҳори.
Чечаклар кулгуси тошларга талош,
Қушлар сайроғида Тинчлик алёри.

Элга мададқорим, юртга елкадош –
Суйиб суянганим, жон-жаҳонимсан!
Бағрингда ҳар миллат дўст-иноқ, дилдош,
Тошкент вилоятим, шараф-шонимсан!

Қуллуқ, эй меҳнатда тобланган диёр,
Ангрен, Олмалик – маъданлар қони!
Бекободдек бўстон яна қайда бор?!
Янгийул – меҳрининг бугўйи нони...

Бўстонлик – улғулар бош қўйган тупроқ,
Қутлуғ Зангиота – азиз маконим.
Элга маърифатдан нур тутган чироқ –
Қадим Паркент, кўҳна Оҳангароним!

Ҳормангиз юрт шаънин уйлаб тинмаган,
Юқоричирчиқлик азамат шерлар.
Яратиш ишқиде ором билмаган
Тошкенту, Чирчиқлик бунёдкор эрлар!

Қибрай – тадбиркорлар маскани азал,
Пискент, Ўртачирчиқ тарихи дoston.
Кундан кун ободдир, кундан кун гўзал,
Бўқа, Қуйи Чирчиқ, Чиноз, Оққўрғон!

Юраклар шодликдан айлади ҳониш,
Қаранг, бир мўъжиза қад ростлар бу он.
Тилларда шукрона, дилларда ёниш –
Салом, Ёшлар шаҳри – янги Нурафшон!

Бугун сенинг бағринг нурдан ёруғроқ,
Менинг-да, ғурурдан баланддир бошим!
Бу юртдан армонлар кетсин деб йироқ
Бахт – тамал тошини қўйди Юртбошим!

КИТОБИНГИЗНИ ЎҚИДИМ

Шоир Шаҳриёр Шавкатнинг Афғонистон сафарини ижтимоий тармоқлар орқали кузатиб бордим. Сафар ҳақида газетада эълон қилинган икки-уч мақоладан ҳам хабардорман. Яқинда Шаҳриёрдан Телеграм иловамга шундай хабар келди: “Ассалому алайкум. Яхшимисиз? Сизга бир китоб атагандим, қаерга олиб бораёй?” Хабарни ўқиб, “Jadid” газетаси 2025 йилдаги энг сара мақолалар тўпламини нашр қилган чоғи”, деб ўйладим. Бироқ кейинги ёзишмалардан “Хиротга, бобомнинг ҳузурига!” номли китоб нашр этилгани ойдинлашди. Муаллифга муборак, элга манфаатли бўлсин!



Сафарнома сабоқлари

Сўнги вақтда электрон китобларни афзал кўриб қолдим. Юки енгил, смартфонингиз ёнингизда бўлса – бас, кун, тун, қор, ёмғир, аномал иссиқ ё совуқни баҳона қилмай, хоҳлаган жойда ўқиб кетаверасиз. Бунинг устига ўзингизга маъқул алифбога ҳам ўгириб олишингиз мумкин. “Босмасини кейинроқ оларман, электрон варианты бўлса, ўшани ташланг”, деб ёздим Шаҳриёрга. Ташлаб берди. Икки-уч кун, ишдан сўнг уйга борганда уйку олдидан ўқидим. Ва китобдаги ўзимни таъсирлантирган воқеалар, бошқаларни ҳам таъсирлантириши керак бўлган ҳодисалар ҳақида ёзгим келди...

Китобни ўқиб тугатгач, хаёлимга келган дастлабки тасаввурим: Тошкент киши. Эндигина қор ёғиб ўтган. “Jadid” газетаси таҳририяти жойлашган бинодан сафар халтасини орқалаган Шаҳриёр чиқиб келади.

(Давоми 7-саҳифада.)



“МУҚАДДАС МАСКАНИМ – ЖАННАТМОНАНД СЎХ!”

Бошланиши 1-саҳифада.

ЯНГИ ҲАЁТ НАФАСИ

Инсоннинг дунёқараши, тафаккури ва турмуш тарзига таъсир кўрсатадиган, она Ватанга муҳаббати ҳамда ҳаётбахш ислохотларга дахлдорлик туйғусини юксалтирадиган янгиланишлар жараёни ўзига хос тарихий даврдир. Бу каби эзгу орзу-мақсадларга қанот бўлувчи, эртанги кунга ишончни мустаҳкамловчи неъматнинг номи – ҳуррият, тинчлик, ободлик ва фаровонлик ҳисобланади.

Тарих ва тараққиёт ўзаро муштарак келадиган Сўх туманида ҳам сўнгги ўн йиллик вақт – алоҳида бир даврга айланди, десак, аини ҳақиқат бўлади. Бу гўзал гўша мамлакатимиз ҳаётининг жўшқин оқимида асло четда эмас, шунинг учун ҳам, тарих сўқмоқларидан мардонавор ўтиб келаётган Сўх ва сўхликлар учун янги ҳаёт нафаси – Янги Ўзбекистон ютуқлари беҳад қадрлидир.

Туман аҳли кейинги йилларда муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг эътибор ва рағбатини ҳар қачонгидан ҳам кучли, теранроқ ҳис этиб яшамоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сўх туманини 2026–2028 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, мавжуд захира ва имкониятларни ишга солиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда тадбиркорликни жадал ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ана шу юксак эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги яна бир намунаси бўлди.

Таъкидлаш жоизки, Сўхда янгиланиш, тараққиёт ва юксалишнинг янги босқичини бошлаб беришга хизмат қиладиган ушбу ҳуқуқий ҳужжат ҳар бир оила ва маҳаллага, ҳар бир сўхликнинг қалби ва тафаккурига янги ҳаёт фалсафасини олиб кирувчи ҳаётбахш дастур, ғайрат-шижоат бахш этувчи муҳим дастуриламал, янги имконият ва имтиёзларнинг ёрқин қафолатидир. Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 9 апрель кунини Сўх туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган йиғилишда барча масъулларга бу борадаги энг устувор вазифаларни белгилаб берган эди. Буларнинг барчаси мазкур қарорда ўз ифодасини топган.

Эл-юрт истиқболига хизмат қилувчи қарор ижроси барча йўналишларда кенг қамровли эзгу ташаббусларни ҳаётга татиб этишни назарда тутадди. Унга кўра, ту-



ризмни туманнинг янги драйверига айлантириш мақсад қилинган. Шу асосда Сўх дарёсининг марказга туташ 5 километрлик қирғоғида фэйзли гўшалар иш бошлайди. “Сариканда”, “Равон”, “Шарқобод” маҳаллаларидаги 176 гектар майдонда мастер режа асосида 720 миллиард сўмлик инвестициялар ҳисобига замонавий курорт-соғломлаштириш мажмуаси бунёд этилади.

Навқирон авлод учун хорижий тиллар ва IT курслари, замонавий кутубхонани ўзида жамлаган “Ёшлар маркази” барпо этилиши фарзандларимиз келажаги учун энг муҳим инвестициядир. Туманда тиббий туризмни ривожлантириш мақсадида тиббий хизматлар кластери ташкил этиш ва хориждан малакали мутахассислар жалб этилиши аҳоли саломатлиги ва даромади барқарорлигини параллел таъминлашга хизмат қиладди.

Ислохотлар жараёнидаги изчил саъй-ҳаракатлар туфайли қишлоқ ҳўжалиги илғор агротехнологиялар, илм-фан ютуқлари асосида ривожланади. Тармоқда анъанавий деҳқончилик инновацион ёндашув билан бойитилади. Бу борада амалий ишлар бошланган бўлиб, ҳозирда “Қайроқ” масивда “Наманган-Агро Стар” МЧЖ томонидан 425 гектар майдонда саноатлашган

интенсив боғлар барпо этилмоқда.

“Чашма” маҳалласида эса 25 гектар ерда заъфарон етиштириш йўлга қўйилади. Шу тариқа, жаҳон бозорида юқори баҳоланадиган зираворлардан бирини етиштириш орқали яқин истиқболда туманни юқори қўшилган қийматли экинлар ҳудудига айлантириш имконияти яратилади. Шу билан бирга, “Қайроқ”, “Жавпая” ва “Тул-дашт” ҳудудларида минг гектар ерда серҳосил резавор, ўрик, олхўри боғлари ҳамда доривор ўсимликлар етиштириш бошланади. Бу иш малакали мутахассислар кўмағида адо этилади.

Янгиланиш транспорт-логистикасиз бўлмаслиги сабабли, бу йўналишда ҳам катта қўлайликлар яратиш кўзда тутилган. Хусусан, эндиликда “Cessna-208 Caravan” ва L-410 турдаги ҳаво кемалари орқали мунтазам авиақатновлар йўлга қўйилиши – сўхликлар учун унутилмас тўхфа, улкан шодиёнадир. Бунинг учун 13 гектар қўшимча ер ажратилиб, учмиш-қўниш майдони ва йўлага кенгайтирилади.

Чегара ўтказиш пунктларида рўйхатга олиш дарчалари сони икки баравар оширилади. Натижада юртдошларимиз ва меҳмонлар ҳаракатининг тез ҳамда қўлай бўлиши таъминланади.

Албатта, аниқ режалар аниқ молиявий манбаларга асосланади. Туманга 2026–2028 йилларда давлат бюджетидан 588 миллиард сўм маблағ ажратилмоқда. Шундан ижтимоий соҳа объектлари – 231 миллиард, муҳандислик-коммуникация инфратузилмасига 357 миллиард сўм йўналтирилади.

Хусусан, ичимлик ва оқова сув таъминотини яхшилаш бўйича 150 километр тармоқ ва 12 та сув иншооти қурилишига – 120 миллиард сўм, 94 километрлик йўللارни қуриш-таъмирлаш ҳамда 1 та кўприк қурилишига – 134 миллиард сўм, дарё қирғоқлари ва сел йўллариининг 36,2 километр қисмини таъмирлашга – 103 миллиард сўм, 11 та маҳалладаги 52,3 километр электр тармоғини реконструкция қилишга 20 миллиард сўм ажратилади. 2026 йилнинг ўзида ичимлик суви, электр тармоқлари, автомобиль йўллари ҳамда оқова сув тармоқларини яхшилашга 100 миллиард сўм маблағ молиялаштирилади.

Шу ўринда алоҳида эътироф этиш кераки, электр таъминотини яхшилаш мақсадида Сўх дарёсида қиймати 40,8 миллион доллар, қуввати 15 МВт (йиллик ўртача ишлаб чиқариш қуввати 50 млн кВт/соат) бўлган Сўх



Саидбахром САИДМУСАЕВ,
Сўх тумани ҳоқими

ГЭСи қурилиши бўйича амалий ишлар бошланди. Бунинг натижасида тумандаги 20 мингдан ортиқ хонадон барқарор электр энергияси билан таъминланади.

Мухтасар айтганда, Сўх туманидаги бугунги ўзгаришлар ҳайратомуз ва асрларга татигулик. Йил якунида туманни ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш мақсад қилингани эса барча жабҳалардаги эзгу ҳаракатларимизга куч-қувват бахш этади.

Муштарак мақсадларимиз битта, у ҳам бўлса, Сўх тумани ҳар жиҳатдан обод ва фаровон бўлиб, янги кун – янги истиқболга биргаликда пешвоз чиқишдир. Ўзаро ҳам-фир, ҳаммаслак бўлсак, ҳамжиҳатликда ишласак, бу орзуларимиз, албатта, ижобат бўлади.

Ўтган ҳафтада муҳтарам Президентимиз раислигида маҳаллаларга янги муҳит олиб кириш ҳамда “маҳалла еттилиги” фаолиятини янгича ташкил қилиш бўйича устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтганидан хабардорсиз. Давлатимиз раҳбари йиғилишда самимий ва қатъий фикрни таъкидлади: **“Лўнда айтганда, ҳудуддаги масалаларни ҳал қилиш учун ҳоқимда ҳам, маҳалла раисиди ҳам, умуман, “еттилик”нинг ҳар бир вақилида ресурс ва ваколат бор. Етишмаётган жиҳат – масъулият ва ташаббускорлик”**.

Бу сўзлар барча тармоқлар учун тегишли, деб бўлган. Масъулият ва ташаббускорлик бугунги қалтис замонда нафақат раҳбарларнинг, балки ҳар бир ўзбекистонликнинг маслаги бўлиши керак. Бу борада Мўйноқ ё Сўх, Денов ёки Зарафшон, Шохимардон ёхуд Самарқанд деган тафовут йўқ. Ана шунда, жонажон Ватанимиз мустақиллигининг 35 йиллиги шорида янграётгандек: “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажақ яратамиз!”

ЭЛ СОҒЛИГИ – ЮРТ БОЙЛИГИ

Сўхда тиббиёт туризми жадал ривожланиб, тармоқнинг инвестициявий жозибардорлиги ортиб бораётгани туфайли йилдан-йилга тармоқда янги ва истиқболли лойиҳалар ҳаётга татибқ этилмоқда.

Айни кунларда “Истиқлол” МФЙда замонавий хусусий клиникани барпо этишга киришилгани бу борадаги эзгу ташаббуслар бардавом эканидан далолат беради. Лойиҳанинг умумий қиймати 6 миллион долларни ташкил этади. У сўхлик ҳамкорлар Гулшан Ҳатамов ва россиялик инвесторлар тадбиркорлигида амалга оширилмоқда.



Замонавий мезонлар асосида бунёд этиладиган клиника фаолияти орқали аҳолига малакали ва сифатли тиббий хизматлар кўрсатиш қўламини янада ошириш мақсад қилинган. Шунингдек, ушбу лойиҳа ҳудудда тиббиёт туризмни ривожлантириш, тармоқда юқори даромадли янги иш ўринлари яратиш ҳамда соҳа инфратузилмасини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Тадбиркорнинг қайд этишича, лойиҳа доирасида мамлакатимиз ва хорижнинг нуфузли тиббиёт марказлари мутахассислари ҳамда малакали шифокорлар иштирокида мураккаб жарроҳлик амалиётлари ўтказиш ҳам мақсад қилинган. Ўз навбатида, маҳаллий шифокорлар учун маҳорат дарслари, илмий-амалий машғулотлар ўтказиб бориш ҳам режалаштирилмоқда.

Хусусий шифо маскани қурилишига киришилиши муносабати билан ташкил этилган тантанали тадбирда Фарғона вилояти ҳоқими Хайрулло Бозоров қатнашиб, Сўхда айни йўналишда олиб борилаётган ишларни юксак эътироф этди. Тадбир давомида нурунийлар иштирокида дуолар қилиниб, эзгу ташаббус ижобат бўлиши учун яхши ниятлар билдирилди.

ҚИЗИЛҚИЁҚ ЧИРОҚЛАРИ

Айни пайтда мамлакатимизда муқобил энергия манбаларидан самарали фойдаланиш, бу борадаги табиий имкониятлар ва қўлайликларни ишга солиш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилган. Сўх туманининг “Қизилқиёқ” маҳалласида қурилаётган, қуввати 15 мегаватт



бўлган гидроэлектр станцияси лойиҳаси ҳам мазкур жараёндаги изчил саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми ҳисобланади.

Инвестиция лойиҳаси “O‘zbekgidroenergo” АЖ томонидан амалга оширилади. Лойиҳанинг ижтимоий аҳамияти ҳам юқори бўлиб, қурилиш ишлари жараёнида 800 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланиши мақсад қилинган. Замонавий ГЭС фойдаланишга топширилган эса 17 та доимий иш ўрни яратилади.

Таъкидлаш ўринлики, лойиҳа тўлиқ ишга туширилганидан сўнг йилга ўртача 50 миллион кВт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Бу эса Сўх туманининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжнинг салмоқли қисмини қоплаб, 20 мингдан ортиқ хонадоннинг муҳим ҳаётий таъминот масаласи тўлиқ ҳал этилишига хизмат қиладди. Шунингдек, ижтимоий соҳа объектлари ва тадбиркорлик субъектлари барқарор равишда электр манбаи билан таъминланади.

Ўз навбатида, ушбу хайрли ташаббус табиий сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, суғориладиган ерларнинг сув таъминотини яхшилаш, ҳудуд иқтисодиётини ривожлантириш ва туризм салоҳиятини янада ошириш имконини беради.

ОБИДАЛАР ЧОРЛАЙДИ

Сўх асрлар мобайнида ажодлар ва авлодлар ўртасидаги муштарак ришталар узвийлигини таъминлаб келаётган муқаддас қадамжо ҳамда зиёратгоҳлари билан ҳам машхур. Бугун тарихий-маданий обидаларни ободонлаштириш орқали туманда зиёрат туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас.

Дарҳақиқат, туманда асрлар давомида ўз қадр-қимматини йўқотмай, қадрият ва анъаналарга уйғун ҳолда сақланиб келаётган бундай масканлар билан ҳар қанча

фахрлансак арзийди. Бугунги кунда ҳам туманнинг ҳар бир ҳудудида бу каби ноёб осори-атиқаларни учратиш мумкин.

Яқинда вилоят раҳбарлари иштирокида ўтган учрашувда ана шундай тарихий ва муқаддас қадамжолардан бири – “Санги навишта” зиёратгоҳида амалга оширилиши белгиланган вазифалар сарҳисоб этилди. Мулоқотда зиёратгоҳ ҳудудини янада ободонлаштириш, инфратузилмани яхшилаш, зиёратчилар учун замонавий ва қўлай шароитлар яратиш борасидаги муҳим вазифалар белгилаб олинди. Шунингдек, тарихий маскани Сўх туманининг туризм маршрутлари рўйхатига киришти бўйича чора-тадбирлар режаси белгиланди.

СЎЗ ВА АМАЛ БИР БЎЛСА

Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Сўх туманига оид қарори мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш ҳамда унинг ижросини самарали ташкил этишга бағишланган тадбирлар ўтказилмоқда.

Дастлабки йиғинда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва вилоят ҳоқимлиги мутасаддилари, ҳудудий бошқарма ва ташкилотлар раҳбарлари, туман фаоллари, нурунийлар, ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари, пойтахтдан ташриф буюрган таниқли санъат ва ижод намояндалари иштирок этди.

Йиғилишда Сўх тараққиётининг янги босқичини бошлаб бераётган ушбу тарихий қарор асосида бажарилиши зарур бўлган муҳим вазифалар ижроси хусусида батафсил тўхтаб ўтилди.

Хусусан, қарор доирасида 1,5 триллион сўмлик маблағ тасарруф этилиб, 162 та инвестиция ва ижтимоий лойиҳа амалга оширилади. Шу мақсадда, 2026–2028 йилларда туманни комплекс ривожлантириш бўйича аниқ вазифалар белгиланган. Айни жараёнда умумий қиймати 80 миллион долларлик инвестиция лойиҳалари ҳаётга татибқ этилади, экспорт ҳажми 15 миллион долларга етказилади ҳамда сайёҳлар сонини 1,4 баробарга оширишга эришилади. Туман иқтисодиётининг муҳим драйверлари бўлган саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ ҳўжалигида барқарор ўсиш суръатлари таъминланади.

Давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган ушбу қарорда кўзда тутилган хайрли ишларни амалга оширишда барча сўхликлар шунчаки кузатувчи эмас, фаол иштирокчи бўлиши лозим. Йиғилишда сўзга чиққанлар мана шу муштарак мақсад йўлида барчани ҳам-жиҳатликка чорлади.

Сўхликлар номидан фаоллар туман ривожига қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик учун Президентимизга самимий миннатдорлик изҳор этдилар. Санъаткорлар томонидан ижро этилган қўй-қўшиқлар байрам тадбирига кўтаринки руҳ бағишлади.



Тантанали тадбирлар давомида туманда аҳоли фаровонлигини таъминлаш ҳамда инфратузилмани янада ривожлантиришга қаратилган қатор йирик қурилиш лойиҳаларини амалга оширишга киришилди.

Шу кунини Сўх дарёси ҳамда Сойбозор ҳудудидан оқиб ўтувчи Обширсой дарёсининг ҳар икки соҳил қирғоқларини мустаҳкамлаш ишлари бошланди. Мазкур лойиҳаларга старт берилар экан, мутасаддилар қурилиш ишларини сифатли ва белгиланган муддатларда якунлаш асосий мақсад эканини таъкидладилар.

Шунингдек, аҳолини замонавий уй-жойлар билан таъминлаш мақсадида “Равон” маҳалласи ҳудудида 12 та 7 қаватли уй қурилишига ҳам старт берилди. Қурилиш ишларида замонавий ва сифатли қурилиш материалларидан фойдаланиш ҳамда иншоотларни белгиланган талаблар асосида барпо этиш муҳимлиги таъкидланди.

Нурунийлар дуога қўл очиб, бошланган эзгу саъй-ҳаракатларга оқ фотиҳа бердилар.

Ботир МАДИЁРОВ,
Абдувосит СИДИҚОВ

Муслимбек ТЎЛАНОВ ва
Муқимжон ҚОДИРОВ олган суратлар.





ФАХР



ОЛАМ ОЛИМИ

САМОДАГИ ЎЗБЕКЛАР



Халқаро астрономия жамиятининг Кичик жисмлар бўйича қўмитаси (WGSBN) томонидан эълон қилинган расмий баёнотда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Астрономия институти олимлари – Камолиддин Эргашев ва Отабек Бурҳонов номлари икки кичик сайёра (астероид)га берилгани маълум қилинди. Эндиликда халқаро астрономик каталогларда ушбу осмон жисмлари (131358) Kamolergashev ва (121339) Otabekburkhonov номлари билан қайд этилади.

Икки олимнинг фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида уларнинг ҳикояларига қулоқ тутдик.

ОТАБЕК БУРҲОНОВ ҲИКОЯСИ

Бу хабарни ҳамкасб дўстимиз Камолиддин ноодатий шаклда етказди. Шошиб қолдим. Кўзимга ишонмадим. Кейин Европадаги ҳамкорларимиздан табриклар кела бошлади. Бунақа пайтларда ё хурсандликдан бош айланади, ё ишончсизликдан мия қарахт бўлади. Менда иккинчиси бўлди. Камтарона хизматимизга, ўз вазифамизни бажарганимизга шунчалик эътиборми, деб ҳайрон бўлдим-да.

Илм кишилари ҳам ижодкорлар каби меҳнатига яраша эътибор кутиши бор гап. Бу, албатта, моддий рағбат ёки мукофот бўлиши шарт эмас. Масалан, халқаро даражадаги журналларга мақола юборамиз. Ҳар бир илмий мақола бу бир янгилик, фан оламида янги қадам. Агар тахририятдан “Ишингизни нашрга бераймиз” деган хабар келса, жуда хурсанд бўламан. Чунки мақола юзасидан тақризлар, танқидий-тахлилий муносабатлар келади. Баъзан тахририят билан ишлашга тўғри келади мақола устида. Шу жараёнинг ўзи эълон қилинишдан ҳам қизиқарли ва фойдали. Шунда хато ва камчиликларимизни кўрамиз, эътибордан кўнглимиз кўтарилади.

Илмий мақолаларда соннинг орқасидан қувиб, сифатни тушириб юбормаслик керак. Чунки жаҳон илм аҳли Ўзбекистондаги илмий савияни ана шу деталларга қараб тасаввур қилади. Бу ерда энди шахсий худбинликини енгиб ўтиш, ўз манфаатини илм-фан ва миллий манфаат билан уйғунлаштириш керак.

Битта ютуққа эришгунча қанча танқидларга дуч келамиз. Мен танқиддан кўрқадиган одам эмасман, аксинча, танқиддан тўғри қабул қиламан. Инсон қачон танқид қилинмайди? Қачонки, охират йўлига кузатилаётган бўлса. Қолган ҳамма ҳолатда танқидга тайёр туриш керак. Аммо умрни шу негативларга жавоб бериш учун совуриб юбориш ҳам ақлдан эмас. Фақат соғлом танқидга эътибор қаратиб, қолганини орқага ташлаган одам ютади.

Бугун осмонда менинг исм-насабим билан астероид кезиб юргани фақат ўзимнинг хизматим эмас, албатта. Бу ерда жамоа меҳнати ётибди. Мен раҳбарман деб, ўзимникини ўтказиб ўрганмаганиман. Олимларга салоҳиятига қараб иш тақсимлаганмиз. Ҳар бирига ўз йўналишида эркинликни таъминлаганмиз, мана, ҳаммаси яхши кетаяпти. Вазифани бергандан кейин қайси йўлни танлашни ўзларига қўлиб бераман. Жамоамиздагилар ўз соҳасининг энг зўрлари, назаримда. Чунки ҳар бири аниқ бир соҳага ихтисослашган, унинг иқир-чиқиригача яхши билади.

Баъзан ёш кадрларнинг бегоҳлигига ҳайрон қоламан: университетни тамомлаган заҳоти юқори маош ва баланд мансабга ошиқади. “Аввал меҳнатингни кўрсат”, десангиз ёқтирмайди. Астрономия институтига келганимга чорак асрдан ошибди. Ишни бошлаган пайтда биз илмий даража ё мартаба ҳақида эмас, тан олиш керак, талабга жавоб берадиган компьютер, керакли дастурий таъминот ҳақида бош қотирардик. Ҳеч нарсамиз йўқ ҳисоби эди.

Йўл бошида турганларни руҳлантириш ўрнига: “Сенлар кузатганча кузатаверинглар. Ҳозир пахтани териш керак, сенларам теринглар. Қолганини ўзимиз ҳал қилиб оламиз”, дейишарди. Шундан юрагим оғри-

ган. Қўпол қилиб айтганда, қўғирчоғингни ўйнаб туравер, керак бўлганимда ўзимиз қақириб оламиз, деган-да.

Шу экан тизим, деб ўтиравермайман-ку. Шу пайтда кузатув маълумотларини қайта ишлашни ўргандим, амалиётда қўллашни бошлаган пайтимда Камолиддин Эргашев келиб қолди. Биргаликда муаммоларни ўрганиб, астероидларнинг битта параметрини аниқлайдиган дастур ҳам ёздик. Шу бўйича илк мақоламиз ўшанда чикди. Бу энди, 2000-йиллардаги гап.

Илгари Қашқадарё вилоятида жойлашган Майданак обсерваториясига етиш чет элга бориб-келиш билан баробар эди. Кета-кетгунча назорат постлари, йўлларнинг аҳоли тинкангизни қуритса, хизмат сафарига ажратилган маблагнинг озлигидан жигирингиз эзиларди. Деярли ҳамма ха-

“**Мустақил Ўзбекистон тарихида илк бор космик соҳада сунъий йўлдош ва мамлакатимиз фуқароси бўлган биринчи ўзбек космонавтини фазога учирриш бўйича ишларни бошладик.**
Бу Янги Ўзбекистоннинг илмий ва технологик ривожланишига, умуман, миллий тараққиётимизни янги босқичга олиб чиқишга катта туртки беради, деб ишонаман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ражат ёнимиздан эди. Бир амаллаб етиб олгандан кейин, 2600 метр баландликдаги обсерваторияга чиқишнинг ўзи яна бир муаммо, денг. Ҳамманинг ҳам соғлиғи кўта-равермайди. Тепада ҳатто биринчи тез ёрдам кўрсатиш учун ҳам тиббий анжомлар топиламасди. Бунинг учун камдада саккиз километр йўл босиб, қишлоққа бориб келасиз. Ана шу кунларни ҳам бошимиздан ўтказиб, иккимиз алмашиб-алмашиб ишладик. У ёқда ҳаттоки кузатувчиларимиз ҳам йўқ эди. Қолаверса, маълумот етишмаслиги, танқислиги...

Энг аламлиси: баъзи янгиликларни биринчи биз кузатамиз, бироқ шароит йўқлиги учун таҳлил қилиб тайёрлаганимизча, бошқа давлатдаги олимлар мақола ёзиб, эълон қилади. Ўша пайтда бизни катта-катта лойиҳаларга таклиф қилишни бошлашди. Афсуски, қўл калталиқ ана оёқдан чаларди. Биз Қуёш тизимидаги кичик жисмларнинг тадқиқоти билан шуғулланишни бошлаганимизда, бу тор соҳада мутахассислар етарли эмасди ва деярли нолдан бошлашимизга тўғри келган. Шу босқичлардан ўтдик. Энди, ҳозирги шароитга қаран!

“Астрономия институтини нимага керак? Юлдузлар, қора туйнуқлар, астероидлар нима қилиб беради одамларга?” – деган саволлар эшитилиб қолади баъзан. Биринчидан, бу тупроқда Мирзо Улуғбек ўтган. Фазо илмини ўрганишнинг локомотиви биз бўлишимиз керак, аслида. Республикамизда астрономияга ихтисослашган тадқиқот институтини борлигининг ўзи ажодимизга муносиб ворислик белгиси ҳамдир. Иккинчиси, на миллият, на давлат танламайдиган хавф бу – самовий хавфдир. 65 миллион йил аввал Ерга астероид тўқнашган, динозаврлар йўқолиб кетган, деган гап оғизнинг бир четидан чиқиб кетади. Ўша воқеа қайтарилмаслигига ким кафолат беради? Сайёралардаги ўзгаришлар, астероид, кометалар ҳаракатини кузатиш орқали замин хавфсизлиги учун лойиҳалар ишлаб чиқилади. Қоинотдан туриб Ерни ўрганиш ҳам шу соҳанинг ичига қиради. Космик тасвирлар орқали Еримиздаги ўзгаришларни ҳам

кузатамиз. Барча ривожланган давлатлар астрономия соҳасига диққатини қаратади.

Хулоса шуки, ҳалол меҳнат қилган инсон ҳалол нонини ейди. Бир жойда тўхтаб қолган қуяди. “Олма пиш, оғзимга туш” деган билан иш битмайди.

Ёшларга икки оғиз дил сўзим. Орзу қилишдан, маррани катта олишдан чўчишмасин. Яқингача ҳам “Космонавт бўламан!” деган орзуманднинг устидан қулиб қўйишарди. Йил бошида Президентимиз Шавкат Мирзиёев космосга сунъий йўлдош учуриш ҳамда биринчи ўзбек фазоигирини тайёрлаш бўйича дастлабки ишлар тақдими билан танишди. Таъкидланганидек, бугун дунёда рақобат янги босқичга чиқиб, иқтисодий қудрат табиий бойлиқлар билан эмас, интеллектуал салоҳият ва технологиялар билан ўлчанмоқда. Космик технологиялар эса стратегик аҳамиятга эга йўналишлардан бирига айланди.

Демак, бу соҳа ҳам умидли соҳалардан. Ҳамма фазоигир бўлиши шарт эмас, бунга эҳтиёж ҳам йўқ. Лекин астрономия илмининг етук мутахассислари, учувчилар, авиасозларга эҳтиёж бутун дунёда ортиб бормоқда. Шунинг учун, орзуни мақсадга айлантириб, бу йўлда меҳнат қилавериш керак. Янги Ўзбекистонда ҳеч ким умидсиз, қўллаб-қувватловсиз ва норизо қолиб кетмайди. Мен бунга ишонаман.

КАМОЛИДДИН ЭРГАШЕВ ҲИКОЯСИ

Биринчи хабар келганда, Отабек акага бор гапни айтмадим. “Кузатувага битта объект бор, шуни бир кўринг, кузатамиз бугун”, дедим. НАСанинг базасидаги рақамини теринг, деб айтиб турдим. Очдилар-у, номига қарамайтдилар-да. Тўғридан-тўғри астероид параметрларига қараб, ишнинг ҳажмини чамалашга ўтиб кетди. Тоқатим етмай, “Ака, номига бир қаранг”, десам, қайтадан ўқиб, ҳайратдан шошиб қолди.

Узим эса чехиялик ҳамкоримиздан келган электрон хат орқали хабардор бўлдим. Очсам, янги ном берилган астероидлар рўйхати экан – Қўмитанинг охириги чиқарган бюллетени. Исминини қўриб қолдим ўша ерда. Ҳеч кимга ёрилмадим, сабр қилиб эрталаб ишга келдим. Отабек акани кутиб турдим. Хуллас, бир-биримизни табриклаб, устозларимиз билан бўлишдик. Бу ютуқда устоз мақомидаги Отабек Бурҳоновнинг хизматлари беқиёс. Шунинг учун аввал у кишига илгиним келди хушхабарни.

Кўпларнинг назариди “Сизларга қайси каромат учун бу мукофот берилди?” – деган саволни уқасиз. Жавоб беришга ҳаракат қиламан.

Бир неча йиллардан бери Астрономия институтида, Майданак обсерваториясида Қуёш тизимининг кичик жисмлари, яъни астероидларни ўрганиб келамиз. Бугунги кунда 1,5 миллионга яқин астероид бўлса, шулардан 40 мингдан ортикроининг орбитаси Ерга яқинлашувчи ҳисобланади. Хўш, Ернинг атрофига 40 мингта астероид қаердан келиб қолди? Кейинги тадқиқотлар кўрсатади: Қуёш ўз нурлари билан астероид юзасини шундай нотекис қиздирадики, натижада ўша бош белбоғда, яъни Марсдан кейин жойлашган астероид Қуёшга қараб юриб, ўз орбитасини ўзгартириб, Ерга яқин соҳага ўтиб қолиши мумкин экан. Бу Ярксовский эффекти дейилади. Шу эффект астероидларни бугунги кунда ўрганишнинг асосий мотивларидан бири ҳисобланади.

Биз ҳам Майданак обсерваториясидаги тадқиқотларда айнан мана шу айланиш, айланиш-парчаланаш ва генетик боғланган жуфтликлар, парчаланаш кетгандан кейин генетик боғланган жуфтликларни ўрганишга ўз ҳиссамизни қўшиб келяпмиз. Бу йўналишда, айниқса, чехиялик ҳамкорларимиз билан жуда кўп ишлар қилдик. Охириги уч йилнинг ўзига 11 та астероиднинг йўлдоши борлиги, бундан ташқари, битта астероид учталик жисм, яъни у учга парчалангани, яна битта астероид эса тўртталик жисмдан иборат ўзига хос кластер эканини аниқладик. Айтиш мумкинки, уч йилнинг ичида 11 та жисмнинг йўлдош-

лари борлиги ва қачонлардир улар битта бўлиб, кейин парчаланганини аниқлашнинг ўзи мана шу айланиш-парчаланаш йўналишида муҳим натижа ҳисобланади ва чех астрономларининг натижалари билан бирлаштирилганда, катта натижаларни беради. Ўйлайманки, Халқаро астрономия жамияти мана шу натижалар туфайли икки астероидга бизнинг номимизни беришга қарор қилди.

Яқинда бир ҳодиса бўлди. Битта объектнинг параметрини олишимиз керак эди. Халқаро майдонда мана шуни кузатишимиз керак, деган қарор бўлди ва кузатишни бошладик. Даври катта, пухта кузатиш зарур эди. Биринчи кунни осмон булутли бўлди. Иккинчи кунни объект Ойнинг орқасига ўтиб кетди. Учинчи кунни кузатдик. Тўртинчи кунни кузатамиз десак, географик кенглигимизга мос эмас, у биздан узоқлашиб кетди. Кейин яқинлашганида кузатамиз, дедик. Майли, биз олган ўша бир кунлик натижадан кейинги авлод фойдаланиши мумкин-дир. Лекин ҳисоблаб кўрсам, у объект кейинги сафар 2047 йилда Ерга яқин келар экан. Ўйлаб қарасак, унда Отабек ака 70 га, мен 60 га кирар эканмиз. Ишимизнинг мана шундай нозик томонлари ҳам бор.

Илм-фан давлат ва жамият ҳаётини бирдан ўзгартириб юбормайди. Унинг мевалари йиллар, балки ўн йиллар ўтиб сезила бошлайди. Амир Темур бошлаган маърифатпарвар сиёсат Мирзо Улуғбек “Зиҳ”ида, Алишер Навоий “Ҳамса”сида аксини тоғгани ҳам шундан.

Ёш ука-сингилларимизга йўл бошида айтиб қўйишим керак: олимнинг моддий фаровонлиққа эришиши вақт талаб қилади. Агар сизнинг мақсадингиз пул топиш бўлса, илм йўлига кирманг. Илм – осон бойлик илинжидаги одамларнинг иши эмас.

Бу гаплар билан ёшларни чўчитмоқчи эмасман: сўнгги ўн йилликда ўзбекистонлик олимларнинг елкасига қуёш, кўксига шабада теккани рост. Маошлар кўтарилди, моддий рағбатлар оширилди, қатор имтиёзлар тақдим этилди. Энди олим уй-рўзғор, турмуш тарзида молиявий қийинчилик кўрмай яшаши мумкин. Лекин “Сен илмга боришни бермагунингча, илм сенга ўзининг бир бўлагини ҳам бермайди”, деган ҳикмат бор. Олим нима бериши мумкин: аввало, умрини, ёшлигини, машаққатли кундузлар, бедор кечалар, фидойиликни. Ана шунда илм ҳам шундай неъматлар берадики, буни тасаввур ҳам қилолмайсиз.

Мана, самода исимимиз битилган жисм учиб юрибди. “Армонингиз қолмади”, деди бир ҳамкасбим. Аммо...

Аспирантурада ўқиб юрган вақтимда онам: “Болам, ҳимоянг қачон?” – деб сўрарди. Афсуски, онамга илмий ҳимоямни қўриш насиб қилмади. НАСА томонидан мукофот олдик, униям кўра олмади. Номимиз астероидга берилганини қўриш насиб қилмади. Мана шулар менинг энг катта армоним.

Астероидларга олимларнинг исмини бериш уларнинг илмий фаолияти ва фан ривожига қўшган хиссасини халқаро миқёсда эътироф этишнинг ўзига хос шаклидир. Тасдиқланган номлар халқаро астрономик номенклатурага киритилади ҳамда келгусидаги илмий мақолалар, каталоглар ва эфемеридларда объектларнинг расмий номи сифатида қўлланади.

Аввалроқ бу икки олим НАСанинг сайёравий мудофаа тажрибаси доирасидаги фаол иштироки ва ҳиссаси учун “Group Achievement Award” мукофоти билан тақдирланган эди.

Ҳар икки ватандошимизнинг бу юксак эътирофларга эришиши Янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессанснинг барпо этишга қаратилган эзгу саъй-ҳаракатларининг ёрқин самарасидир. Эл-юртимиз шарафини жаҳонга таратаётган иқтидорли олимларимизга илм-фан оламида янада юксак муваффақиятлар ёр бўлишини тилаймиз.

Зарнигор ИБРОҲИМОВА
суҳбатлашди.

ОЛАМ ОЛИМИ

Карл Барри ШАРПЛЕСС

икки карра нобелчи



ҲАЁТ ЙЎЛИ

Карл Барри Шарплесс 1941 йил 28 апрелда, АҚШнинг Филадельфия шаҳрида туғилган. 1963 йилда Дартмут коллежини тамомлади. Стэнфорд университетига кимё бўйича докторлик (PhD) илмий даражасини олди. Фаолияти давомида Мас-сачусетс технология институтини ҳамда Калифорниядаги Скриппс тадқиқот институтида фаолият юритган.

Асосий тадқиқотлари органик синтез, каталитик реакциялар ва янги молекулаларни яратиш технологияларига бағишланган.

ИЛМЙЙ ЮТУҚЛАРИ

Асимметрик каталитик оксидланиш усуллари-ни ишлаб чиққан. Бу технология турли хил дори воситалари ва биологик фаол моддаларни юқори аниқликда синтез қилиш имконини берди.

“Клик кимёси” концепциясини яратди. Ушбу ёндашув молекулаларни тез, ишончли ва ортқича қийиндиларсиз бирлаштириш имконини бериб, органик кимёда янги йўналишга асос солди. Кейинчалик ушбу технология асосида ривожланган биоортогональ кимё усуллари тирик ҳужайралар ичида кимёвий жараёнларни кузатиш ва таҳлил қилиш имконини берди.

Илмий ишлари бугунги кунда фармацевтика, онкология, генетика, биотехнология, диагностика, материалшунослик, ва албатта, кимёда қўлланмоқда.

ЭЪТИРОФ

Олим икки марта Нобель мукофоти билан тақдирланган беш олимдан бири.

2001 йил асимметрик каталитик оксидланиш реакцияларини ишлаб чиққани учун мукофотнинг иккидан бири улуши; 2022 йил “клик кимёси” ривожига қўшган улкан ҳиссаси учун учдан бири улуши билан тақдирланди.

Шунингдек, у АҚШ Миллий фанлар академияси аъзоси бўлиб, дунёдаги қўллаб илмий ташкилотлар томонидан юксак эътироф этилган.

ЖАМОАТЧИЛИК ПОЗИЦИЯСИ

1970 йилда лабораторияда содир бўлган бахтсиз ҳодиса оқибатида Карл Барри Шарплесс бир кўздан айрилган. Шу воқеадан кейин у лаборатория хавфсизлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратиб, бутун дунё олимларини ҳимоя кўзойнақларидан мунтазам фойдаланишга чақириб келмоқда. Унинг фикрича, илмий ютуқлар билан бир қаторда тадқиқотчилар хавфсизлиги ҳам биринчи ўринда туриши лозим.

ИБРАТ

Шарплесс мураккаб кимёвий жараёнларни имкон қадар оддий, табиий ва тоза (“клик”) даражага келтиришга интилди. Буюк кашфиётлар қўпичча мураккаб нарсаларнинг энг оддий ва аниқ ечимини топишдан бошланади.

29 ёшида, илмий фаолиятининг айнаи бошланишида бир кўздан айрилганига қарамай, у тушқунликка тушмади. Бу бахтсиз ҳодисани мағлубият эмас, балки атрофдагиларни ҳимоя қилиш, тартиб ва хавфсизликни олиқ кадриятга айлантириш имконияти деб билди.

Нобель мукофотини олиш оламшумул ютуқ. Уни иккинчи марта қўлга кириштиш камдан-кам насиб қиладиган бахт. Бу бахт асоси эса муваффақиятлар билан мағрурланмаслик ва умр бўйи изланишдан тўхтамаслиқдир. Энг муҳими, жисмоний нуқсонлардан уялмай, аксинча, ўзида янги куч топиб олдинга интилиш бу ютуқларнинг боши, балки энг биринчисидир.

Жасмина ИСРОИЛ тайёрлади.

“Биз ерларимизни сотмаймиз. Аммо инвестицияларсиз мамлакат ривожини таъминлаш қийин”, дейди Жапаров.

